

## ТИНЧЛИК ТЯНЧИ

Халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатини қозонган Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда тинчлик, барқарорлик, фаровонлик, тараққиёт ва маънавий юксалиш раҳнамоси ва ташаббускори сифатида абадий ўрин олган.

Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк йилларида биринчи навбатда, элимизнинг тарихий хотирасини, юксак қадимий миллий қадриятларини тикланишига ҳамда маънавий юксалишига ташаббускор бўлиши натижасида юртимизда маънавий ҳаёт тубдан ўзгара бошлади, халқимизнинг дунёқарashi, тафаккур тарзи мустақиллик руҳида тарбияланиб ва келажакка бўлган ишончи юксалиб борди. Буюк давлат ва жамоат арбоби, маънавий юксалиш ташаббускори бўлган ҳамда халқимизнинг, барча ёшларимизнинг қалбидан, хотирасидан ўчмас из қолдирган Биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллиги Республикализнинг барча ҳудудларида кенг нишонланаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз.

2018-йил 30-январ куни Тошкент ирригатция ва қишлоқ хўжалигини механизатциялаш муҳандислари институти З-талабалар турар жойида биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан хотира ташкил қилинди. Ушбу тадбирда иқтидорли талабаларимиз биринчи президентимиз ҳаёти ва ижодига бағишлиланган ўзларининг чиқишилари ҳамда шеърлари билан фаол иштирок этган ҳолда тадбирнинг юқори савияда ўтишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Ушбу тадбирга устоз ва мураббийларимиз ҳам ташриф буюришди. Жумладан: “Иқтисодиёт ва менежмент” факултети маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ёрдамчisi Турдиев Жамшид сўзга чиқиб ёшларнинг қалбидан мангу жой олган бобомиз Ислом Каримов тўғрисида ўзининг илиқ фикрларини билдириди.

Тадбирни ташкил этган З-Талабалар турар жойи педагог-тарбиячиси Азиза Ҳайитова ва Ёшлар иттифоқи фаолларига талалабар номидан миннатдорчилик билдирамиз. Азиз ёшлар, шундай аждодларимиз борлигидан фахрланиб, мустақилликни қадрига етган ҳолда маррани каттароқ олиб давлатимиз равнақи учун ўз ҳиссамизни қўшайлик.



**3-ТТЖ Талабалар кенгаши сардори Жаҳонгир Саидаҳмедов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**